

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 22-ҳадис

22 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّهُ لَيَأْتِي الرَّجُلُ السَّمِينُ الْعَظِيمُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا يَزُنُّ عِنْدَ اللَّهِ جَنَاحَ بُعُوضَةٍ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни жисми катта ва семиз кишилар келишади. Уларнинг Аллоҳ ҳузурда пашша қанотича ҳам вазнлари бўлмайди», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ислом дини инсонларнинг шакли, ташқи кўриниши ҳамда тана тузилишига қараб баҳо беришдан огоҳлантиради. Бу ҳолатларда одамларнинг ҳеч қандай аралашуви, дахлдорлиги йўқдир. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг шундай халқ қилган, шу тарзда яратганидандир. Бошқаларни баҳо беришда, таърифлашда бу ўлчов, меъёр эмас. Балки одамларни иймон, амал ва амалларининг манфаатли экани ўлчовдир, таърифдир. Ҳадису шарифда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам тана тузилиши катта, семиз ва оғир кишиларни баъзи нодон одамлар уларни кучли ва баҳодир деб санашларини зикр қилмоқдалар. Аслида эса, бундай кимса Аллоҳ наздида тарикча ҳам қадри бўлмайди. Нафақат тарик, балки пашша қанотича ҳам вазни йўқдир.

Нега ундай, деган савол бўлсачи?

Чунки уларда на иймон бор, ва на солиҳ амал. Иймон ва солиҳ амалларгина инсоннинг қадри-қиймати, обрўси Аллоҳ ҳузурда, сўнгра Унинг Расули наздида ва бошқа мусулмонлар кўз ўнгида ҳам баланд даражага кўтаради, ҳурматли қилади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ташқи кўриниш инсоннинг оқибатини ҳал қилмайди. Баъзи заиф ва кучсиз, озғин кишиларни биламизки, одамлар уларга эътибор

беришмайди, писанд қилишмайди. Лекин Қиёмат куни уларнинг салобатлари, тақволари ва вазмин, ҳокисорликлари ва солиҳ амаллари тарозуни оғир қилади. (Худди Абдуллоҳ ибн Масъуд каби).

2. Ҳадиси шариф шуни англатадики, охиратнинг ўлчов-мезони дунёнинг ўлчов-мезонидан фарқ қилади. Охиратда иймон, қалб ва амал ўлчови бўлади. Дунё ўлчовида эса салобат-оғирлик, тана тузилиши ва ташқи кўриниш билан ўлчанади.
3. Кучсизларга гўзал муомалада бўлиш лозимлиги, эҳтимол уларнинг Аллоҳ наздида қадр-қимматлари бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло: «Аллоҳга бандалик қилинглр ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглр! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилинглз!» деб айтади (Нисо сураси, 36-оят).

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVARIIDLARI